


ΛΟΓΟΣ



THE ART OF SCIENTIFIC MIND

COLLECTION OF SCIENTIFIC PAPERS

WITH PROCEEDINGS OF THE II INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE

EDUCATION AND SCIENCE OF TODAY: INTERSECTORAL ISSUES AND DEVELOPMENT OF SCIENCES

OCTOBER 29, 2021 • CAMBRIDGE, GBR 

VOLUME 1





EUROPEAN
SCIENTIFIC
PLATFORM

ΛΟΓΟΣ

COLLECTION OF SCIENTIFIC PAPERS

WITH PROCEEDINGS OF THE II INTERNATIONAL
SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE

**«EDUCATION AND SCIENCE OF
TODAY: INTERSECTORAL ISSUES
AND DEVELOPMENT OF SCIENCES»**

OCTOBER 29, 2021 • CAMBRIDGE, UK

VOLUME 1

Cambridge, United Kingdom
«P.C. Publishing House»
2021

Vinnytsia, Ukraine
«Yevropeiska naukova platforma»
2021

EUROPEAN
SCIENTIFIC
PLATFORM



Chairman of the Organizing Committee: Holdenblat M.

Responsible for the layout: Bilous T.

Responsible designer: Bondarenko I.



The conference is included in the catalog of International Scientific Conferences; approved by ResearchBib and UKRISTEI (Certificate № 722 dated January 10th, 2021); certified by Euro Science Certification Group (Certificate № 22337 dated October 15th, 2021).

Conference proceedings are publicly available under terms of the Creative Commons Attribution 4.0 International License (CC BY 4.0).



Bibliographic descriptions of the conference proceedings are indexed by CrossRef, ORCID, Google Scholar, ResearchGate, OpenAIRE and OUCI.

E 25

Education and science of today: intersectoral issues and development of sciences: Collection of scientific papers «ΛΟΓΟΣ» with Proceedings of the II International Scientific and Practical Conference (Vol. 1), Cambridge, October 29, 2021. Cambridge-Vinnytsia: P.C. Publishing House & European Scientific Platform, 2021.

ISBN 978-617-7991-91-4
ISBN 978-617-7991-92-1 (VOLUME 1)

ISBN 978-1-8380555-1-6 (PDF)

DOI 10.36074/logos-29.10.2021.v1

«European Scientific Platform», Ukraine

«European Scientific Platform», Ukraine

«P.C. Publishing House», United Kingdom

Papers of participants of the II International Scientific and Practical Conference «Education and science of today: intersectoral issues and development of sciences», held in Cambridge, October 29, 2021, are presented in the collection of scientific papers.

UDC 001 (08)

ISBN 978-617-7991-91-4
ISBN 978-617-7991-92-1 (VOLUME 1)
ISBN 978-1-8380555-1-6 (PDF)

© Participants of the conference, 2021
© European Scientific Platform, 2021
© P.C. Publishing House, 2021
© Cambridge Data Science LTD, 2021

**SECTION XIX.
SOCIOLOGY AND STATISTICS**

ИЛМ-ФАҢДА ЭҲТИЁЖЛАР ТАСНИФИ
Жабборов Ж.А. 106

**SECTION XX.
PHILOLOGY AND JOURNALISM**

LINGUOSTYLISTIC PECULIARITIES OF THE POEM «THE VOICE» BY
THOMAS HARDY
Kiiashko D.D. 109

STANCETAKING IN POETIC DISCOURSE: AESTHETIC MEASURE
Neborsina N.P. 114

THE ARTISTIC DETAIL IN THE NOVEL «THE RELUCTANT WIDOW» BY G. HEYER
Zhaboriuk I.A., Rukshtel Yu.A. 121

ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕВОДА ДОКУМЕНТОВ, ИСПОЛЬЗУЕМЫХ В СФЕРЕ
МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВОВОГО СОТРУДНИЧЕСТВА
Тургунова Р.Н. кизи 123

РАЗВИТИЕ И ФОРМИРОВАНИЕ МЕЖНАЦИОНАЛЬНЫХ КУЛЬТУРНЫХ
ВЗАИМООТНОШЕНИЙ В ПЕРЕВОДАХ
Хаитбаева Н.Х. 126

РІЗНОВИДИ ТА ОСОБЛИВОСТІ ФАТИЧНИХ МОВЛЕННЄВИХ ЖАНРІВ
Базарова І. 129

SECTION XIX. SOCIOLOGY AND STATISTICS

DOI 10.36074/logos-29.10.2021.v1.34

ИЛМ-ФАНДА ЭҲТИЁЖЛАР ТАСНИФИ

Жабборов Жамшид Азимович
ҚаршиДУ таянч докторанти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Инсонларнинг яшаши, ҳар томонлама камол топиши учун зарур бўлган барча моддий ва номоддий, маънавий неъматларга талаб уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини ташкил этади. Инсон онгли мавжудот сифатида ўз эҳтиёжларини қондириш йўлида ақлини ишлатади, изланади. Эҳтиёжларни қондириши зарурлиги уни амалий яратувчанликка, турли фаолликка ундайди. Инсоннинг эҳтиёжлари хилма-хил. У яшар экан, физиологик жараёнларда иштирок этади, моддий-иқтисодий манфаатларини, талабларини қондиради, билим олади, бошқалар билан мулоқотда бўлади, дўстлашади ва ҳоказо. Эҳтиёжлар турли шакллари, хусусиятлари, сифат, белги, миқдор ва бошқа жиҳатлари билан бири-бирдан фарқланади.

Эҳтиёжларнинг ранг-баранглиги инсон табиатининг кўп қирралилиги билан, шунингдек улар намоён бўладиган шароитларнинг хилма-хиллиги (табиий ва ижтимоий) билан белгиланади.

Эҳтиёжларнинг барқарор гуруҳларини аниқлашнинг қийинлиги ва ноаниқлиги кўплаб тадқиқотчилар томонидан эҳтиёжларнинг энг муносиб таснифини яратилмаслигига олиб келди. Олимларнинг турлича таснифи ўз соҳаларидан, унда эҳтиёжларнинг аҳамиятидан келиб чиқиб ёритилган: файласуфлар, иқтисодчилар, психологлар, социологлар, маънавиятшунослар эҳтиёжлар тизимини у ёки бу хусусиятларига кўра ҳар хил гуруҳларга ажратиб тушунтиришга ҳаракат қилишган. Масалан, инглиз иқтисодчиси Алфред Маршалл (1842-1924) немис олими, синергетика йўналиши намоёнчаси Герман Хакеннинг фикрига асосланиб, эҳтиёжларни абсолют ва нисбий, минимал ва максимал даражадаги эҳтиёж, қондирилиши зарур ва қондирилиши кечиктирса бўладиган, бевосита ва билвосита қондириладиган эҳтиёжлар, жорий ва келажакда қондириладиган эҳтиёжларга бўлади [3].

А.Маслоу изланишлари асосида яратган концепциясида инсонлар – эҳтиёжлар, майллар ва қобилиятларнинг наслий психологик тизимига эга сифатида жамият равнақи учун хизмат қилиши таъкидланган. Маслоу эҳтиёжларнинг иерархик моделини яратади ва уларни бир неча гуруҳга бўлиб таҳлил қилади: физиологик эҳтиёж, хавфсизлик ва келажакка ишонч эҳтиёжи, ижтимоий эҳтиёж, ҳурмат қилиш эҳтиёжи, юксалиш эҳтиёжи (ўзини кўрсатиш) – бу энг юқори эҳтиёж поғонасидир [4].

Эҳтиёжлар ниҳоятда турли туман бўлиб, уларга турли жиҳатдан ёндашиш мумкин. Полшалик психолог К.Обуховский эҳтиёжларнинг 120 таснифни санаган, рус психологи П.М. Эршов эса “Потребность человека” (1990 й.) китобида эҳтиёжларнинг энг муваффақиятли иккита таснифини кўриб чиқади.

Буюк рус ёзувчиси Ф.М. Достоевский одамларнинг кўплаб қизиқишлари ва эҳтиёжларини уларнинг таркибини мураккаблаштириш орқали уч гуруҳга ажратади: 1. Ҳаётни таъминлаш учун зарур бўлган моддий неъматларга бўлган эҳтиёж. 2. Билим эҳтиёжлари. 3. Одамларнинг бутун дунё бўйлаб бирлашиш эҳтиёжлари. Немис файласуфи Гегел эҳтиёжларни 4 гуруҳга ажратади: 1. Жисмоний эҳтиёжлар. 2. Қонун эҳтиёжлари, қонунлар. 3. Диний эҳтиёжлар. 4. Билим эҳтиёжлари [1].

Шунингдек, рус психологи А.Н. Леонтиев томонидан 1956 йилда тананинг (ёки шахснинг) баъзи нарсаларга ва у бошдан кечираётган эҳтиёжларига қараб инсон эҳтиёжларини объектив ҳамда функционал турларга ажратади. А.Перон эса одамларга хос бўлган фундаментал физиологик ва психофизиологик эҳтиёжларни 20 турга ажратишни таклиф қилди.

Е.В. Гайнутдинованинг илмий изланишларида “ҳақиқий” ва “ёлғон” эҳтиёжлар орасидаги чегарани аниқлаш позицияси ёритилган. Унинг таснифи бўйича эҳтиёжлар қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

1. Уй-жой майдонини сақлаш зарурати; 2. Муҳаббатга эҳтиёж; 3. Озодликка эҳтиёж; 4. Мулоқотга эҳтиёж; 5. Ўз-ўзини тасдиқлаш зарурати; 6. Эстетик эҳтиёж; 7. Ижодга бўлган эҳтиёж [2].

Ўзбек психологияси фанига юксак ҳисса қўшган олим Э.Ғозиев ҳам эҳтиёжлар тизимини психологик нуқтаи-назардан таҳлил қилиб, тирик мавжудодларнинг (оддий тузилишга эга бўлганидан тортиб, то мураккабига) теварак-атроф билан ҳаётини аҳамиятга эга бўлган, турли хусусиятли боғланишларни таъминлаб турувчи фаолияти (қайси даражаси, шакли эканлигидан қатъи назар) сифатида эҳтиёжларни эътироф этади [5]. Олим томонидан эҳтиёжлар – келиб чиқиши ва ўз предметининг хусусиятига кўра: табиий ва маданий эҳтиёжларга бўлиб таҳлил қилади.

Файласуф А.Эркаев эҳтиёжларни моддий ва маънавий, соғлом ва носоғлом эҳтиёжларга бўлиб, уларга ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таъриф берган [6]. Аслида, муаллифни эҳтиёжларни тадқиқ қилиш эмас, балки, маънавиятнинг мазмун-моҳияти ойдинлаштириш қизиқтирган [7-9].

Эҳтиёжлар турли шакллари, хусусиятлари, сифат, белги, миқдор ва бошқа жиҳатлари билан бир-биридан фарқланади. Илмий тадқиқотимизда инсон эҳтиёжлари таркибига методологик жиҳатдан ёндашиб, уни турли гуруҳларга ажратдик:

Эҳтиёжларнинг субъектига кўра: индивидуал, гуруҳий, корпоратив, табақавий, миллий, умуминсоний эҳтиёжлар.

Эҳтиёжлар мазмунига кўра: табиий-физиологик эҳтиёжлар, моддий-иқтисодий эҳтиёжлар, ижтимоий-маънавий эҳтиёжларга бўлинади.

Келиб чиқишига кўра: табиий ва маданий эҳтиёжлар

Инсоннинг фаолият турига кўра: меҳнат қилиш, мулоқатда бўлиш, дам олиш, иш қобилиятини тиклаш, иқтисодий фаолият юритиш, спорт билан шуғулланиш ва бошқа эҳтиёжларни ўз ичига олади.

Эҳтиёжлар қондирилиши жиҳатидан: якка (индивидуал) ва биргаликда қондириладиган эҳтиёжларга бўлинади.

Эҳтиёжларни қондиришдан қандай мақсад кўзланганига қараб: шахсий эҳтиёжлар ва ишлаб чиқариш (яратувчанлик) эҳтиёжларига бўлиш мумкин.

Эҳтиёжларнинг инсонга таъсир этишига кўра: соғлом ёки носоғлом бўлиши мумкин.

Эҳтиёжлар қандай гуруҳларга бўлинмасин, қай жиҳатдан ёндашилмасин, улар бир-бири билан боғлиқ, бири иккинчисини тақозо қилади, ҳамда ягона умумжамият эҳтиёжлари тарзида шаклланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1] Бережной Н.М. Человек и его потребности / Под ред. В.Д. Диденко; Моск. гос. ун-т сервиса. - М.: Форум, 2000. - 170 с.
- [2] Гайнутдинова Е.В. Проблема классификации человеческих потребностей // Вестник АГТУ. – 2007. - №5(40). – С. 25-28.
- [3] Маршалл А. Принципы политической экономии: монография. Москва: Директ-Медиа, 2012. 2127 стр
- [4] Маслоу А. Х. Мотивация и личность. 3-е издание, «Питер», — (Мастера психологии (Питер)), 2014, 74 стр.
- [5] Ғозиев Э. Умумий психология. Т.: 2010 й. 192-бет. 536 бет
- [6] Эркаев А.П. "Маънавият - миллат нишони". Т.: "Маънавият" 1997 й. 40-б.
- [7] Жабборов, Ж. . (2021). Интерпретация проблемы духовных потребностей в научных исследованиях ученых нашей страны. Общество и инновации, 2(5/S), 484–491. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss5/S-pp484-491>
- [8] Жабборов, А. М., Жабборов, И. А., & Жабборов, Ж. А. (2015). ЭТНИЧЕСКИЕ СТЕРЕОТИПЫ И ПСИХОЛОГИЯ САМОБЫТНОСТИ УЗБЕКСКОГО НАРОДА. Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов, (1), 80-83.
- [9] Жабборов, А. М., & Жабборов, Ж. А. (2016). СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ЗНАЧИМОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ УЗБЕКСКИХ НАРОДНЫХ ПОСЛОВИЦ ПРИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ УЧЕБНО-ВОСПИТАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА. Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов, (3), 93-95.